



Nókis q. A.Dosnazarov k. 62 úy, 0 (361) 222-24-37, 222-24-63, faks: 222-98-30  
web-site: <http://kkedu.uz>, e-mail: [qoraqalpogiston\\_xtv@xtv.uz](mailto:qoraqalpogiston_xtv@xtv.uz)

«12» сентябрь 2021ж

02-01/05- 1828-санлы

Барлық район (қала)лық халық  
билимлендириў бөлими ҳәм  
Республикалық бойсыныўдағы  
билимлендириў мәкемелери  
басшыларына

Қарақалпақстан Республикасы Халық билимлендириў министрлиги  
Сизге Қарақалпақстан Республикасы Министрлер Кеңесиниң 2021-жыл  
6-апрельдеги 105-санлы Қарары мағлыўмат ҳәм басшылыққа алыў ушын  
жиберилмекте.

Қосымша \_\_\_ беттен ибарат.

Министрдин биринши  
орынбасары ў.ў.а

Қ.Бекбаўлиев



Нукус шаҳри

Некис каласы

№ 105

« 6 » апрель 2021 жй

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 31 мартдаги «Ўзбекистон Республикаси Хукумати тизимидаги давлат бошқаруви органлари, хўжалик бирлашмалари ва бошқа ташкилотларнинг ижро интизомига масъул таркибий бўлинулари раҳбарларини лавозимларга тайинлашни ва уларнинг фаолиятини тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида» ги 171-сонли қарори ҳақида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 10 февралдаги «Қонунчилик хужжатлари ижросини самарали ташкил этишда давлат бошқаруви органлари ва маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари раҳбарларининг шахсий жавобгарлигини кучайтиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» ги ПФ-6166-сон Фармони ижросини ташкил этиш ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси Хукумати тизимидаги давлат бошқаруви органлари, хўжалик бирлашмалари ва бошқа ташкилотларда ижро интизомига масъул таркибий бўлинулари раҳбарлари лавозимларига малакали кадрларни тайинлашни тартибга солиш, қонунчилик хужжатлари ва топшириқлар ижросини таъминлаш ва ижро интизомини мустаҳкамлашда уларнинг масъулияти ҳамда талабчанлигини ошириш мақсадида **Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 31 мартдаги «Ўзбекистон Республикаси Хукумати тизимидаги давлат бошқаруви органлари, хўжалик бирлашмалари ва бошқа ташкилотларнинг ижро интизомига масъул таркибий бўлинулари раҳбарларини лавозимларга тайинлашни ва уларнинг фаолиятини тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида» ги 171-сонли қарори ижро учун раҳбарликка олинсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг мазкур қарори билан:

а) Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 10 февралдаги «Қонунчилик хужжатлари ижросини самарали ташкил этишда давлат бошқаруви органлари ва маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари раҳбарларининг шахсий жавобгарлигини кучайтиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» ги ПФ-6166-сон Фармониға мувофиқ 2021 йил 1 апрелдан бошлаб, барча республика даражасидаги давлат органлари ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликларининг ижро интизомига масъул бўлинулари

раҳбарларини лавозимга тайинлаш ва лавозимдан озод этиш масалалари мажбурий тартибда Ўзбекистон Республикаси Президентини Администрациясининг Ижро интизомини таъминлаш шўъбаси билан келишилиши белгиланганлиги маълумот учун қабул қилинганлиги;

б) Ўзбекистон Республикаси Хукумати тизимидаги давлат бошқаруви органлари, хўжалик бирлашмалари ва бошқа ташкилотларда ижро интизомига масъул таркибий бўлинулари раҳбарлари, лавозимларига номзодларни танлаш, лавозимга тайинлаш ва лавозимдан озод этиш масалаларини келишиш, уларнинг стажировкадан ўтказилишини ташкил этиш тартиби тўғрисидаги низоғ мувофиқ тасдиқланганлиги;

в) Ўзбекистон Республикаси Хукумати тизимидаги давлат бошқаруви органлари, хўжалик бирлашмалари ва бошқа ташкилотларнинг (кейинги ўринларда - давлат органлари ва ташкилотлар) биринчи раҳбарларига:

жорий йил 1 июлга қадар ижро интизомига масъул таркибий бўлинулари бўлмаган марказий аппарати, хулудий бўлинулари ва тизим ташкилотларида уларнинг штаг бирликлари чекланган сони доирасида ижро интизомига масъул алоҳида штаг бирлиги жорий этилишини таъминлаш;

ижро интизомига масъул таркибий бўлинулари раҳбарлари лавозимлари бўйича вакант ўринларга номзодларни келишиш юзасидан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига белгиланган муддатда тақдимномалар киритиш;

ижро интизомига масъул таркибий бўлинулари раҳбарлари лавозимларига амалий тажрибага эга, юқори малакали, пухта танланган номзодлар тавсия этиш ва улбу лавозимлар бўйича кадрлар захираси шакллантириш;


хулудий бўлинулари ва тизим ташкилотларидаги ижро интизомига масъул ходимлар малакасини ошириш ишлари ва стажировкаларни тизимли ташкил этиш топширилганлиги;

хулудий бўлинулари ва тизим ташкилотларидаги ижро интизомига масъул ходимларни марказий аппарат билан келишув асосида лавозимга тайинлаш тизимининг жорий қилинишига шаҳсан масъул эканликлари белгилаб қўйилганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

3. Қорақалпоғистон Республикаси Хукумати тизимидаги давлат бошқаруви органлари, вазирликлар, идоралар, хўжалик бирлашмалари ва бошқа ташкилотлар биринчи раҳбарлари:

жорий йил 1 июлга қадар ижро интизомига масъул таркибий бўлинулари бўлмаган марказий аппарати, хулудий бўлинулари ва тизим ташкилотларида уларнинг штаг бирликлари чекланган сони доирасида ижро интизомига масъул алоҳида штаг бирлиги жорий этилишини;

ижро интизомига масъул таркибий бўлинулари раҳбарлари лавозимлари бўйича вакант ўринларга номзодларни келишиш юзасидан



Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашига тақдимномалар киритилишини;

ижро интизомига масъул таркибий бўлимлар раҳбарлари лавозимларига амалий тажрибага эга, юқори малакали, пухта танланган номзодлар тавсия этилишини ва ушбу лавозимлар бўйича кадрлар захираси шакллантирилишини;

ижро интизомига масъул таркибий бўлимлар ва тизим ташкилотларидаги ижро интизомига масъул ходимлар малакасини ошириш ишлари ва стажировкаларнинг тизимли таъқили этилишини таъминласин;

юқоридаги раҳбарларнинг ижро интизомига масъул таркибий бўлимлар ва тизим ташкилотларидаги ижро интизомига масъул ходимларни Вазирлар Кенгаши билан келишув асосида лавозимга тайинлаш тизимининг жорий қилинишига шахсан масъул эканлиги белгилаб қўйилсин.

4. Давлат органлари ва ташкилотларнинг ижро интизомига масъул таркибий бўлимлари раҳбарлари қуйдагиларга жавобгар эканлиги белгилаб қўйилсин:

қонунчилик ҳужжатлари ва топшириқларни ҳисобга олиш ва уларнинг рўйхатини шакллантириш, улар бўйича аниқ ижрочилар, муддатлар ва бажариш механизмлари кўрсатилган топшириқлар тайёрланишини ҳамда уларнинг ижрочиларга етказилишини назоратга олиш;

қонунчилик ҳужжатлари ва топшириқлар бўйича амалга ошириш графикаларининг (назорат режалари) тайёрланишини, тасдиқланишини ва ижрога қаратилишини назорат қилиш;

қонунчилик ҳужжатлари ва топшириқларнинг ўз вақтида бажарилиши юзасидан тизимли назоратни ташкил этиш ҳамда чуқур таҳлиллар асосида мониторингини олиб бориш;

қонунчилик ҳужжатлари ва топшириқлар бажарилишининг ҳар ҳафталик таҳлилларини амалга ошириш, ижроси кечикаётган топшириқларнинг ҳисобини юритиш ва кечикиш сабабларини аниқлаш ҳамда уларни бартараф қилиш юзасидан раҳбариятга таклифлар киритиб бориш;

қонунчилик ҳужжатлари ва топшириқларнинг бажарилиш ҳолати бўйича раҳбарнинг биринчи ўринбосари ҳузурида ҳар ҳафта жума куни, раҳбар ҳузурида ҳар ҳафтанинг душанба куни ўтказиладиган муҳокамаларга тахлилий материаллар тайёрлаш;

қонунчилик ҳужжатлари ва топшириқларнинг бажарилиш ҳолати ҳар ой якунида коллегиял орган мажлисларида муҳокама қилинишини ҳамда масъул раҳбарлар ва ходимларнинг ҳисоботлари эшитилишини ташкил этиш;

тизим ташкилотларида ижро интизоми ҳолатини мақсадли ўрганиш ишларини тизимли равишда амалга ошириш ва уларнинг натижаларини ҳар чорак якунида коллегиял орган мажлисларида муҳокама этиш бўйича таклифлар киритиш;

"Ijro.gov.uz" ижро интизоми идоралараро ягона электрон тизими орқали келиб тушган қонунчилик ҳужжатлари ва топшириқлар ижросининг тизимли назоратини амалга ошириш;

масъул ижрочилар томонидан назорат ҳужжатлари ва топшириқлар бажарилиши бўйича "Ijro.gov.uz" ижро интизоми идоралараро ягона электрон тизимига маълумотлар ва тасдиқловчи ҳужжатларнинг ўз вақтида киритилишини мунтазам назорат ва таҳлил қилиб бориш;

қонунчилик ҳужжатлари ва топшириқлар ижроси бўйича "Ijro.gov.uz" ижро интизоми идоралараро ягона электрон тизимига маълумотлар ва тасдиқловчи ҳужжатларга асосан топшириқларни назоратдан ечиш юзасидан Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ва Ҳисоб палатаси билан мунтазам равишда ҳамкорликда иш олиб бориш.

5. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раисининг барча ўринбосарлари, Ишлар Бошқарувчиси, Вазирлар Кенгаши Раисининг маслаҳатчилари зиммасига юклансин.

Қорақалпоғистон Республикаси  
Вазирлар Кенгашининг Раиси



К.Сариев